



О‘ЗБЕКISTON TEMIRYO‘LCHILARINING GAZETASI

2025-yil • 11-dekabr • payshanba • № 49 (6578)

Temir yo‘llar
mamlakatimiz
iqtisodiyoti-
ning qon
tomiridir.

Gazeta 1933-yildan
chiqa boshlagan

ТАДБИР

9 декабрь – Халқаро коррупцияга қарши кура-
шиш куни муносабати билан Транспорт назорати
инспекциясида “Очиқ эшиклар куни” тадбири
ташkil этилди.

TRANSPORT NAZORATI INSPЕКЦИЯСИДА “ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ” ЎТКАЗИЛДИ

Тадбирда Транспорт вазирлиги Коррупцияга қарши кура-
рашиш бўлими бошлиғи, инспекция марказий аппарати ва
барча ҳудудий бўлимлар ходимлари, инспекция ҳузуридаги
Жамоатчилик кенгаши аъзолари, ташувчилар, хорижий ва
маҳаллий ОАВ ходимлари ҳамда блогерлар иштирок этди.



Қатнашчиларга коррупцияга қарши курашиш, соҳада
шаффофликни ошириш ва аҳоли билан очиқ мулоқотни
кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзаси-
дан батафсил ахборот берилди.

2025 йил давомида 3 та брифинг, 3 та пресс-тур, 2 ма-
ротаба матбуот анжумани, шу жумладан, коррупцияга қар-
ши кураш мавзусида оммавий ахборот воситаларида қатор
чиқишлар қилиниб, брифинг ва давра суҳбатлари ташkil
қилинган.

Давоми 2-бетда



ЯНГИ ТАЪМИРЛАНГАН “ҲАЗОРАСП” ТЕМИР ЙЎЛ ВОКЗАЛИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

ЎТГАН ҲАФТА ХОРАЗМ
ВИЛОЯТИДА “ЎЗБЕКISTON
ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ”
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
ТОМОНИДАН ҚАЙТА ТАЪМИР-
ЛАНИБ, ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФА-
ГА КЕЛТИРИЛГАН “ҲАЗОРАСП”
ВОКЗАЛИ ФОЙДАЛАНИШГА
ТОПШИРИЛДИ.

Шу муносабат билан бў-
либ ўтган тантанали байрам
тадбирида Хоразм вилояти
ҳокими Жўрабек Раҳимов,
Ўзбекистон темирйўлчилари
ва транспорт курувчилари
касаба уюшмаси Республика
Кенгаши раиси Қутлимурат
Собиров, “Ўзтемирйўлйўлов-
чи” акциядорлик жамияти бош
директори Шерали Юсупов
ҳамда фахрий темирйўлчи-
лар, нуронийлар ва оммавий

ахборот воситалари вакилла-
ри иштирок этди.

Конституциямизнинг 33
йиллиги ҳамда яқинлашиб
келаётган Янги йил байрами
арафасида хоразмлик юрт-
дошларимизга катта совға



бўлган ушбу кўркам вокзал
очиқида вилоят ҳокими
Жўрабек Раҳимов ҳамда Қут-
лимурат Собиров сўзга чиқиб,
давлатимиз раҳбари ташаб-
буси ва темирйўлчиларнинг

саъй-ҳаракати билан бунёд
этилган ушбу замонавий вок-
зал йўловчилар учун ажойиб
туҳфа бўлганини мамнуният
билан айтиб ўтишди.

Давоми 2-бетда

СТАНЦИЯ ФАОЛИЯТИДАН

ОБОД ҚИЛИНГАН “СИРДАРЁ” СТАНЦИЯСИ ЮК ТАШИШ ҲАЖМИНИ ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Станцияларнинг ободлиги,
пўлат изларнинг созлиги
поездлар ҳаракати хавфсиз-
лигини таъминлашда муҳим
аҳамиятга эга. “Темир-
йўл инфратузилма” акция-
дорлик жамиятининг
“Тошкент минтақавий темир
йўл узели” филиали томони-
дан сўнгги йилларда поезд-
лар ҳаракати хавфсизлигини
таъминлашга катта эътибор
қаратиб келинмоқда.



Филиал таркибидаги барча
станциялар ҳудудида ободон-
лаштириш ишлари амалга оши-
рилмоқда. Ана шундай станция-
лардан бири “Сирдарё” станция-
сидир.

Бугунги кунда ушбу станцияда
31 нафар ишчи-ҳодим фаолият

олиб боради. Улар тўғридан-тўғ-
ри поездлар ҳаракати хавфсиз-
лигини таъминлаш, юк ва тижо-
рат ишларини ўз вақтида амалга
ошириш учун хизмат қилишади.

3-класс станцияси ҳисоблан-
ган мазкур участкада асосан юк-
ларни ортиш, тушириш, юқори



тезликда ҳаракатланувчи “Афро-
сийёб” ҳамда “Шарқ” ва “Насаф” те-
зорар поездларини, бундан таш-
қари, “Тошкент – Хива – Тошкент”,
“Тошкент – Шовот – Тошкент”,

“Тошкент – Қўнғирот – Тошкент”,
“Тошкент – Нукус – Тошкент”,
Тошкент – Термиз – Тошкент”,
“Тошкент – Денов – Тошкент”, шу-
нингдек, халқаро йўналишларга

қатновини амалга оширадиган
йўловчи поездларининг ҳаракат
хавфсизлигини таъминлаш амал-
га оширилади.

Давоми 2-бетда

ЯНГИ ТАЪМИРЛАНГАН “ҲАЗОРАСП” ТЕМИР ЙЎЛ ВОКЗАЛИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ



Давоми. Бошланиши 1-бетда

Ташриф буюрган меҳмонлар, фахрийлар ҳамда йўловчилар вокзалда яратилган замонавий шароитлар билан яқиндан танишиб, бу ерга келадиган юртдошларимиз-

га сифатли хизмат кўрсатиш учун барча қўлайликлар мавжудлигини эътироф этишди ҳамда темирйўлчиларга чуқур миннатдорчилик билдиришди.

Ушбу вокзал қурилишида асосий бионинг парда деворлари тў-

лиқ қайта таъмирланиб, ички пол қопламалари ҳам демонтаж қилинди. Шифт ва ташқи фасад қисмида гишт териш ва сувоқ ишлари, иситиш тизими қувурлари демонтаж қилинди.

Вокзалда йўловчиларга қўлайлик яратиш мақсадида, кутиш зали, она-бола хонаси, алоҳида кириш йўлаги ташкил қилинган ҳолда чипта сотиш (касса) хонаси, VIP зал, персонал хоналари замон талабларига мос қилиб ташкил этилди ҳамда иситиш ва совутиш тизими

ўрнатилди, замонавий мебель ва жиҳозлар билан таъминланди.

“Ҳазорасп” темир йўл вокзалда реконструкциядан сўнг бир вақтнинг ўзида 250 нафар, бир кеча кундузда 1 минг нафарга яқин йўловчига хизмат кўрсатиш имконияти яратилди. Вокзал биноси атрофига яшил майдонлар, гулзорлар, манзарали дарахтлар экилди ва уларни парваришlash учун сугориш тизими ташкил этилди.

Рустам ҲАЙДАРОВ

ОБОД ҚИЛИНГАН “СИРДАРЁ” СТАНЦИЯСИ ЮК ТАШИШ ҲАЖМИНИ ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Давоми. Бошланиши 1-бетда

“Сирдарё” станциясида йўловчиларга хизмат кўрсатиш учун “Тошкент – Ховос”, “Тошкент – Бекобод”, “Тошкент – Сирдарё” шахарлараро электропоездлар қатнови ҳам амалга оширилади.

Мазкур темир йўл станциясида 15 тадан зиёд шохобча йўллари мавжуд бўлиб, уларда кўмир, нефть ҳамда бугдой маҳсулотлари ва турли хилдаги қишлоқ ҳўжалигида ишлатиладиган минерал ўғитлар туширилади.

Станция ҳудудида қисқа вақт ичида жуда катта ободончилик, жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Натижада “Сирдарё” станцияси биносининг ташқи кўриниши янгича қиёфага эга бўлди. Ички қисмида ҳам ишчи-ҳодимлар фаолият олиб борадиган хоналар ҳамда йўловчилар учун кутиш зали замонавий қилиб таъмирланди. Станция биносининг олди томонида йўловчиларнинг чиқиб, тушишлари учун 660 квадрат метр жойда брусчаткалар янгиланди, бионинг ён-атрофларига манзарали дарахт



кўчатлари экилиб, 1 минг 200 квадрат метр жойга яшил чимлар ётқизилди ва кўкаламзорлаштириш иш-

лари амалга оширилди. Шунингдек, пўлат излар ёнларидаги шебенлар янгиланди.

МУЛОҲАЗА УЧУН МАВЗУ

АВЛОДЛАРГА МУНОСИБ МЕРОС ҚОЛДИРА ОЛАМИЗМИ?

Сўнгги йилларда Ер шарида иқлим ўзгаришининг фаоллашуви дунё халқларини ташвишга солиб, шу йўналишда иш олиб бораётган илмий-тадқиқот институтлари олимларининг турли тахминлари, инсоният олдида она табиат флора ва фаунасининг хилма-хиллигини сақлаб қолишга мўлжалланган вазифаларни кўндаланг қўймоқда.

Бизнинг мамлакатимизда ҳам ушбу муаммоларни ҳал этиш юзасидан режали ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Жумладан, Орол денгизининг сув кетган ҳудуди, афсуски, Оролқум деб аталувчи майдонда сўнгги 4 йилги статистик маълумотларга кўра, 872 миллион туп саксовул, қандим, терескен ва бошқа турдаги дарахт кўчатлари ҳамда буталар экилди. Амалга оширилган ушбу ишлар келажакда бажарилиши зарур бўладиган вазифалар деб очаси бўлди десак, тўғри бўлади.

Барчангизга маълумки, “Ўзбекистон-2030” стратегиясида белги-

ланган кенг қўламли ислохотларни “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт” йили деб номланган 2025 йилда самарали амалга оширишга қаратилган Давлат дастури кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилиб, аҳолининг фаол иштироки асосида берилган тақлиф ва фикрларни инобатга олган ҳолда қабул қилинди.

Дастурда халқимизнинг кундалик ҳаётида ижобий ўзгаришларга эришиш, ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароитлар яратиш бўйича тизимли ҳаракатларни изчил давом эттириш, барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳолининг яшаш сифатини яхшилаш, таълим ва фан соҳасини, рақамли технологияларни, туризмни, спортни ривожлантириш, ёшларни, айниқса, хотин-қизларни тадбиркорликка ўргатиш, атрофмуҳитни муҳофаза қилиш, иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш, аҳоли саломатлиги ҳамда қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган бир қатор йўналишларда аниқ вазифалар ўз аксини топган.

“Ўзбекистон-2030” стратегиясининг “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури ижросида қасаба уюшма ташкилотларининг фаол иштироки таъминланиб келинмоқда.

Хусусан, “Яшил макон” умум-

миллий лойиҳаси ва “Менинг боғим” лойиҳаси доирасида темирйўлчилар томонидан жами 17 минг 259 туп шундан, 4 минг 523 туп меваги ва 12 минг 156 туп манзарали дарахт кўчатлари ҳамда 600 туп буталар “Термиз минтақавий темир йўл узели” филиали корхона ва ташкилотлар ҳудудларида экилди. Албатта, бу ишлар таҳсинга сазовор.

Яқинда ўтказилган селектор йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қуйидаги маълумотни алоҳида таъкидлади: “Жорий йилнинг баҳор фаслида “Яшил макон” дастурига кўра ўтказилган 137 миллион туп дарахт ниҳолларининг 27,5 миллион тупи қуриб қолган”. Мутахассислар фикрича, бунинг асосий сабаби сифатида аномал иссиқ ва тупроқ таркиби эътиборга олинмаганлиги, деб айтишмоқда.

Лекин шу ўринда бир гапни айтмасам бўлмайди, бу гапим Ўзбекистонда истиқомат қиладиган, қўлидан иш келадиган ҳар бир фуқарога тааллуқли десам, ҳеч муболаға бўлмайди.

Ҳар йили баҳор ва кузда дарахт экиш авж олади. Ура-урачилик билан минглаб туп кўчатлар экилади. Юқори ташкилотларга чиройли ҳисоботлар берамиз. Афсуски, кўп ўтмай баландпарвоз сай-ҳаракатларимиз тўхтади. Дарахт-

ларнинг кейинги тақдири билан деярли қизиқмаймиз. Агар шундай бўлмаганда эди, экилган дарахтлар аллақачон ўрмонзорга айланган бўларди. Меҳнат қилиб, пул ва вақт сарфлаб, ерга кўчат суқяпимизми, демак, унинг парваришига жиддий эътибор қаратишимиз ҳам зарур. Биз мамлакатимизда иқлим ўзгариши ҳолатини ўз баданимизда ҳис этмоқдамиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан “Яшил макон” дастури қабул қилиниши бу масаланинг қанчалик муҳимлигини тасдиқлайди. Шунинг учун ушбу йўналишдаги бунёдкорлик ишларимизни чуқур ўйлаган ҳолда амалга оширишимиз зарур ва шартдир.

Албатта, бу менинг Ўзбекистоннинг онгли фуқароси сифатида билдирган фикр ва мулоҳазалари. Ўйлайманки, нафақат “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили”да, балки доимий равишда ушбу йўналишлардаги вазифаларни Ўзбекистонда истиқомат қиладиган ҳар бир инсон сидқидилдан ҳамда виждонан бажарса, келажак авлодлар учун муносиб мерос – флора ва фаунаси хилма-хилликка бой она табиатни қолдирамиз. Акс ҳолда...

К.КАРИМОВ,

“Термиз минтақавий темир йўл узели” филиали Ҳудудий қасаба уюшма кўмитаси раиси

ТРАНСПОРТ НАЗОРАТИ ИНСПЕКЦИЯСИДА “ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ” ЎТКАЗИЛДИ

Давоми. Бошланиши 1-бетда



Инспекциядаги мавжуд штат бирликларида фаолият юритаётган барча ходимлар ҳар йиллик, ротация қилинганда ва бошқа лавозимга ўтказилгандаги манфаатлар тўқнашувини декларациялаш тартиб-таомилидан ўтказилган.

Коррупция ҳолатлари ҳақида хабар беришга мўлжалланган 4 та алоқа каналлари (телеграм-бот, электрон почта, телеграм расмий саҳифаси ва қисқа телефон рақами) яратилган;

1. Электрон почта манзили: antikorrupsiya@uztn.uz
2. Телеграм расмий саҳифаси: <https://t.me/Uztransnazorat> <https://gov.uz/oz/uztn/anti-corruption>
3. Телеграм-бот: [@anticorruption_uztn_bot](https://t.me/anticorruption_uztn_bot)
4. Мурожаат учун телефон: 71-202-03-02 (515)



Ҳисобот даврида 19 мартаба мониторинг назорат ишлари олиб борилиб, ходимларнинг иш фаолияти, олиб бораётган рейд ва текширувлар тартиби кўздан кечирилган.

Шунингдек, 54 та хизмат текшируви ўтказилган. Бунда 4 та ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинган, 37 та интизомий жазо чоралари қўлланилган ҳамда 21 та ҳолат бўйича иш прокуратура органларига оширилган. 2 та ҳолатда инспекторларга пора тақлиф қилган фуқароларга нисбатан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирларда Жиноят Кодексининг 211-моддаси билан жиноят иши қўзғатилган.



Тадбир иштирокчиларига назорат тизимларида рақамлаштириш жараёнлари, ахборот платформалари ва уларнинг самарадорликка таъсири ҳақида ҳам маълумот берилди.

Инспекция фаолиятини рақамлаштириш орқали инсон омиллини камайтириш, очкилик ва шаффофликни таъминлаш ҳамда коррупция ҳолатларини олдини олиш мақсад қилинган. Шу мақсадлар йўлида 2024-2025 йиллар давомида 5 та ахборот тизими ишлаб чиқилди. Жумладан:

- йўл қурилиши жараёнларини назорат қилиш учун “Йўл сифат назорати” ахборот тизими яратилди;
- текширувлар ва тадбиркорлар хавф даражасини баҳолаш – “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизими орқали амалга оширилмоқда;
- темир йўл транспортида “Ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва инфратузилмаси рўйхатидан ўтказиш” ахборот тизими ишга туширилди;
- дарё транспортини “Давлат рўйхатидан ўтказиш ва техник кўрикдан ўтказиш” электрон тизими ишга туширилди.

– “Рақамли инспекция” мобил иловаси ишлаб чиқилди.

Очиқ эшиклар куни доирасида ОАВ ва блогерлар инспекция фаолияти билан яқиндан танишдилар, савол-жавоблар ўтказилиб, жойлардаги назорат ишларининг очкилиги ва фуқаролар мурожаатларига муносабат масалалари муҳокама қилинди.

Тадбир якунида коррупциянинг ҳар қандай кўринишларига мурасиз муносабатда бўлиш, жамоатчилик билан ҳамкорликни янада кучайтириш ва шаффофликни таъминлаш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Транспорт назорати инспекцияси
Ахборот хизмати



По материалам интернета

ДАФТАР ҲОШИЯСИДАГИ БИТИКЛАР



“УМР ДАФТАРИ” КИТОБИДАН...

Билинги:
Хар инсон – индивидуал.
Хар қалбнинг оғриғи, феъл-атвори, муҳити, ҳаёт синови турлича.
Шунинг учун ҳаммага бир хил маслаҳат, бир хил рецепт тўғри келмайди.

Маслаҳат сўрасангиз, ҳаёт тажрибаси бор нуронийлардан сўранг.
Исломда сочи оқарган, кўп нарсани кўрган, ҳаёт синовларидан ўтган отахон, онахонлардан.
Чунки уларнинг сўзи ҳаётнинг ўзидан ёзилган китобдир.

Азиз инсоним!
Ҳаётингизни бошқаларники билан қиёсламанг.
Турмуш ўртоғингизни бошқалар билан солиштирманг.
Фарзандларингизни бировнинг болалари билан ўлчамаманг.
Ҳамма ўз оламида, ўз оилавий “сиёсати” билан яшайди...

Ижтимоий тармоқлардаги “Бахт” тасвирлари сизга турмуш ўрни бўлмасин.

Чунки ҳақиқий бахт – руҳнинг тинчлиги ва ота-онанинг дуоларида ҳамда ризолигидадир!!!

Ҳикмат ва ибрат билан ёзилган бир ҳаёт саҳифаси...

Онажонимга ёзилган мактуб... (ногирон боланинг қалб сўзлари)
“Она муҳаббати – танага сиғмайдиган кенг осмондир.
Унга фақат юрак билан етасиз”.

Шарқ ҳикмати

Байрамлар – ҳар бир тўғилган интиқлик билан қутилган, қувончга тўла кунлардир. Уйлар тозаланади, дастурхонлар безатилади, янги кийимлар харид қилинади.

Ҳар бир ота-она фарзандини хурсанд қилиш учун бор кучини сарфлайди.

Аммо мен учун байрам – танам оғриманган, юрагимда Аллоҳ мени унутмаганини ҳис этган кун...

Мен дунёга бошқалардек эмас, ногирон ҳолда келдим.
Қўл-оёқларим итоат этмаса ҳам, қалбим тирик.
Мен ҳис қиламан, тушунаман, севаман.
Фақат онажонимнинг қалбидagi оғриғи кўтаролмайман...

Онажон!

Сизнинг мен учун тўқкан кўз ёшларингиз, эшитган маломатларингиз, юзингиздаги шувит ва дилдаги оғриқ – буларнинг бари менинг юрагимда муҳр бўлиб қолган.

Сизни “соғлом бола тўғолмаган аёл”, деб таъна қилганлар бор эди.
Мен эса ўшанда Аллоҳга муножот қилдим:
“Эй, мени яратган Эгам, нега онамни мен тўғилганим учун азобда қолдирясан?”

Аммо кейин англадим – мен Сизнинг энг оғир синовингизман,
Сиз эса менинг энг улуғ мукофотимсиз!

Онажон, мен Сиздан фақат бир нарсани сўрайман:
Мендан ҳеч қачон воз кечманг!

Оёқларим кучсиз бўлса ҳам,
Менга “кел” деб чақиринг!
Қўлимдан ушламанг –
Мени мустақил бўлишга, кучли бўлишга ўргатинг!
Қўлогим эшитмаса ҳам, сукутимни сукут билан эмас –
Меҳр билан тингланг.
Тилим чиқмаса ҳам,
Мен билан гаплашинг, сўз билан жонлантинг.

Йўғламасам, йўғлатинг –
Токи ҳаётнинг оғриқларига тайёр бўлай!
Менга гўзал нигоҳингиз билан,
меҳр нуригиниз билан қаранг, онажон!
Чунки мен сизнинг кўзларингизда ўзимни гўзал ва қимматли ҳис этаман.

Қайта-қайта ўргатинг...
Қайта-қайта тушунтиринг...
Сабр билан уқтиринг –
Чунки менга дунё
Сизнинг овозингиз орқали маъноли бўлади.

Онажон, илтимос, иложи борича йўғламанг!
Мен ёзаётганимда йўғламадим –
Чунки Сизнинг меҳрингиз менинг кўз ёшимдан ҳам кучлироқ!

Мен Роббимдан ҳеч нарса сўрамайман –
Берган тақдирга розиман.
Фақат битта илтимосим бор:
Менинг онажонимга Жаннат ато эт!
У мени ҳаёти билан севди...
Юраги билан кўтарди...
Кўз ёши билан ювди...
У Жаннатларга муносиб!!!

Фазлиддин ИЛҲОМОВ

СИЗ ҚУТГАН СУҲБАТ



Телебошловчи
Отбек Тожибоев 1988
йили Тошкент шаҳрида
туғилган. 2014 йили Ўзбекистон
давлат санъат ва маданият
институтининг “Ижтимоий ва
маданий фаолият” факуль-
тетини тамомлаган.

ОТАБЕК ТОЖИБОЕВ:

“БОЛАЛИКДАГИ ЭНГ ШИРИН ХОТИРАЛАРИМ — ЯНГИ ЙИЛ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ЭДИ”

2002 йили телевидение соҳасига кириб келиб, аввал фаолиятини “Yoshlar” телеканалидаги “Оқшом юлдузи” кўрсатувида бошлаган. Шундан сўнг бир қатор телеканалларда кўнгилчорлар дастурлар ва информация кўрсатувларида фаолият юритиб келди. Ҳозирги кунда “Navo” телеканалида “Бадиий кенгаш”, “Мен учун” кўрсатувларини, шунингдек, “TempFM” кўрсатувларида фаолият юритиб келди. Оилали, икки нафар фарзанднинг меҳрибон отаси. Ўз касбига муҳаббат билан ёндашадиган, камтарин ва самимий, профессионал радио ва телебошловчи Отбек Тожибоев билан махсус интервью уюштирдик.

– Сизга Отбек исмини ким қўйган?

– Отбек исмини менга Акбар додам қўйганлар. Аввал Олтинбек қўймоқчи бўлганлар кейин “Ўтган кунлар” романидаги Отбек ва Қумуш эсларига тушиб, Отбек деб қўйишга қарор қилишган.

– Болаликдаги энг эсда қоларли ширин хотираларни қандай ҳис-туйғулар билан эслайсиз?

– Болаликдаги энг ширин хотираларим – Янги йил байрамига тайёргарлик кўриш эди. Уйда онам билан бирга ҳар хил таомлар тайёрлаб, салатлар қилишга ёрдамлашар, арча безаб, кейин эса биргаликда телевизор кўраб эдик, рақсга тушардик. Қариндошлар келган вақтда телевизорда яхши кўшиқлар қўйиларди. Ўша пайтларда “Ялла” ансамблининг “Чинури” кўшиғи жуда машҳур эди, мен ҳам шу кўшиққа ўйнаб берардим. Шу саҳналар мен

учун болаликнинг энг қимматли ва самимий хотиралари бўлиб қолган.

– Радио ва телебошловчилик фаолиятини олиб борасиз. Айтингчи, қайси бири сиз учун биров қийинроқ?

– Радиодаги фаолиятим менга телевидениеда ҳаяжонни тўғри йўналтиришда катта тажриба ва жасорат берди. Жонли эфирга чиқишимда ҳам радио асосий мактабим бўлган десам, муболаға бўлмайди. Чунки айнан радиода тобланганман, пишганман. Радио мен учун юрагимга тасалли берадиган энг яқин соҳалардан бири. Шу боис “бу қийин, у осон” деб айта олмайман. Иккаласини ҳам чин дилдан яхши кўрганим учун қийинчилиги билинмайди.

– Тадбир ёки халқ хизматида бехосдан хато ёки нотўғри гапириб қўйган пайтингизда вазиятдан қандай чиқасиз?

– Тадбир ёки халқ хизматида бехосдан нотўғри гапирсам, дуэтдошим эмоция берса, қулиб юборишим мумкин. Агар нотўғри гапириб қўйсам шу сўзни қайта тўғри талаффуз қилиб айтишга ҳаракат қиламан.

– Ҳамкасблар орасида кимларни устоз деб тан оласиз?

– Аввало Шуҳрат Раҳматжоновни ўз устозим деб биламан. Улар менга



кўп йўл-йўриқ кўрсатганлар. Шунингдек, Рихситилла Абдуллаевни ҳам устозим деб биламан. Радио соҳасида Олимхўжа Азимов мени биринчи радиога чиқишимга сабабчи бўлган инсонлардан бири, қолаверса, информация жанрдаги йўналишда менга тўғри йўл кўрсатган устозим Дилдора Рустамова бўлади.

– Бошловчи учун энг муҳим

учта фазилат нима деб ўйлайсиз?

– Энг аввало, бу – импровизация қилиш, сўз бойлиги ва ҳар соҳадан бир шингил билимига эга бўлиши деб биламан.

– Бугунги кунда бошловчи учун ижтимоий тармоқлар қанчалик муҳим?

– Менимча ҳозирги замонавий бошловчи ва ҳар бир маданият ходими учун менинг назаримда замондан ортада қолмаслик керак. Турли хил постлар, янгиликларни жойлаб бориш учун очик реклама майдони, бир кичкина телевидение десак ҳам бўлади.

– Охирги марта поездда қачон чиқкансиз ва Ўзбекистон темир йўлларида муносабатингиз?

– Охирги марта ўтган йили Самарқандга хизмат сафари билан “Афросиёб” поездда борган эдим. Менга поезд қўлайлиги билан ёқади, “Афросиёб”да юришнинг ўзгача гаши бор, озодалик ва хизмат кўрсатиш сифати юқори даражада. Фурсатдан фойдаланиб, “Ўзбекистон темир йўллари”нинг барча ходимларига миннатдорчилик билдираман. Шарафли ва машаққатли ишларида куч-қувват уларга ёр бўлсин.

Аваз ОМОНОВ
суҳбатлашди



МУАССИСЛАР:

“Ўзбекистон темир йўллари”
акциядорлик жамияти,
Ўзбекистон темирйўлчилари
ва транспорт қурувчилари
касаба уюшмиси
Республика Кенгаши

Тахрир кенгаши:

Раматов А.Ж.
Нарзуллаев З.Ф.
Сабиров Қ.С.
Юсупов Ж.З.
Балтабаев А.А.

Бош муҳаррир
Рустам ҲАЙДАРОВ

Мусахҳиҳ –
Умида ТҶИЧИБОЕВА

Саҳифаловчи –
Гулзода БОЛТАЕВА

Фотомуҳбир – Ёқубжон МУРОТОВ

Манзилимиз: 100047, Тошкент ш.,
Амир Темур шоҳқўчаси, 4-уй.
Бош муҳаррир: (71) 236-49-97 (4-49-97)
Қабулхона: (71) 236-48-92
Мухбирлар: (71) 236-48-71

Газета Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида 0139-рақам
билан 2007 йил 11 январда рўйхатга
олинган.

Газета таҳририят компьютер
марказида саҳифаланди
ISSN: 2181-6158

Буюртма Г-1234 Босишга топширилди: 19:30

1 2 3 4 5 6